O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 9 OKTABR ◆ SESHANBA ◆ № 119 (26.821)

Ислом КАРИМОВ:

Америка ҳукумати терроризмни таг-томири билан йўқ қилиш, дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, бундай кучларни қўллаб-қувватлаётган, уларни маблағ, қурол-яроғ, бузғунчи мафкура билан таъминлаётган, қўпорувчилик, босқинчилик ҳаракатларини амалга ошириш учун жойларга жўнатаётган ёвуз ниятли марказларга қарши аёвсиз кураш эълон қилди.

Бугун барчамизга оддий бир ҳақиқат аён бўлиши керак: бутун инсониятга катта таҳдид солиб турган бу иллатга барҳам бериш борасидаги курашдан ҳеч ким, ҳеч қайси давлат четда қолмаслиги табиий.

(ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БАЁНОТИДАН)

ТАШРИФ ҚОЛДИРИЛДИ

2001 йил 7 октябрь куни бевосита Ўзбекистон ҳудуди яқинида халқаро террорчилик тизимини йўқ қилиш бўйича кенг кўламли операция бошлангани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 8-10 октябрь кунларига мўлжалланган Австрия Республикасига ташрифини қолдириш ҳақида қарор қабул қилинди.

Австрия Республикаси раҳбарияти ушбу қарорни маъқуллади.

Томонлар ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлигини яна бир карра таъкидлайди ва ташриф яқин келажакда амалга ошишига умид билдиради.

■ (ЎзА)

АФҒОНИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида кўшни Афғонистонда содир бўлаётган воқеалар муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Уни Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Комилов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгаши котиби М.Раҳмонқулов бошқарди.

Куни кеча АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари халқаро террорчиликка қарши кураш доирасида Афғонистоннинг Қобул, Қандаҳор, Жалолобод, Мозори Шариф ҳамда Ҳирот шаҳарларига ҳаводан зарба берди. Террорчилик тизимини йўқотиш борасида тузилган халқаро коалицияга жаҳоннинг аксарият давлатлари қўшилгани сир эмас. Ўзбекистон бир неча бор террор хуружини ўз бошидан кечирган давлат сифатида халқаро ҳамжамият танлаган бу йўлдан четда тура олмайди.

Брифингда таъкидланганидек, бу зарбалар афғон халқи ёки ислом динига эътиқод қилувчиларга эмас, балки халқаро террорчиликка қарши йўналтирилган ҳарбий тадбирдир. Бу фикрни АҚШ ва етакчи Ғарб давлатлари раҳбарлари қаторида Ўзбекистон Президенти ҳам ўз чиқишларида неча бор таъкидлаган. Ислом Каримов 5 октябрь куни журналистлар билан учрашиб, Афғонистон билан боғлиқ воқеалар юзасидан расмий баёнот эълон қилди ва Ўзбекистоннинг минтақадаги вазиятга муносабатини аниқ-равшан ифодалаб берди.

Лекин куни кеча АҚШ ва Буюк Британия қуролли кучлари Афғонистонга ҳаво зарбаси берганидан кейин хориждаги айрим оммавий ахборот воситалари турли асоссиз миш-мишлар, уйдирмалар тарқата бошлади. Гўё Ўзбекистон — Афғонистон чегарасида катта миқдорда қўшин тўпланаётгани, ҳадемай ҳарбий ҳаракатлар бошланиб кетиши мумкинлиги ҳақидаги хабарларнинг таги пуч экани кўпчиликка равшан. Ташқи ишлар вазири А.Комилов бу уйдирмаларни қатъиян рад этар экан, Ўзбекистоннинг Афғонистондаги воқеаларга муносабати давлатимиз раҳбарининг баёнотида ўзининг аниқ аксини топганини таъкидлади.

Маълумки, Ўзбекистон аксилтеррор тадбирини ўтказишда АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларига ўз ҳаво кенгликларидан ва ҳарбий аэродромларининг биридан фойдаланишга рухсат берган. АҚШнинг кам сонли ҳарбий-транспорт самолётлари ва вертолётлари бу аэродромдан афғон халқига фақат инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ва қидирув-қутқарув ишларини амалга ошириш учун фойдаланади. Афғонистонга Ўзбекистон ҳудудидан фойдаланган ҳолда бомбали зарба беришга, қуруқлик орқали ҳужум қилишга йўл қўйилмаслиги Президентимизнинг баёнотида алоҳида таъкидланган.

Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М. Раҳмонқулов мамлакатимизнинг Афғонистон билан чегара ҳудудидаги вазият ҳақида ахборот берар экан, «Толибон» ҳаракати Ўзбекистон сарҳадига ўн минг сонли қўшин келтириб қўйгани ҳақидаги хабарлар қуруқ уйдирма эканлигини айтди.

— Айни пайтда Афғонистоннинг Ўзбекистон билан чегарадош ҳудудида осойишталик ҳукм сурмоқда, — деди М.Раҳмонқулов. — У ерда «Толибон» ҳаракати ҳарбийларининг йирик гуруҳи кузатилмаган. Ўзбекистонда ҳам ҳарбий бўлинмалар жойдан жойга кўчирилаётгани йўқ. Ҳарбийларимиз доимий қўналғаларида хушёр турибди. Ортиқча ваҳима кўтаришга ҳеч қандай асос йўқ.

■ (ЎзА)

ЁВУЗЛИККА ҚАРШИ

Афғонистон кўпдан бери террорчиларнинг макони сифатида ном чиқарди. Дунёнинг катта-кичик террорчиларига ўзидан жой берди. Бу террорчиларнинг дастидан азият чеккан юртлар, мамлакатлар террорчиларнинг жазоланишини талаб қилаяпти. Америка террорчилар жойлашган нуқталарни ҳарбий куч билан йўқ қилишни ният этди.

Афғонистон — бизнинг қўшнимиз. У ерда пуштунлар билан бирга тожиклар ва ўзбеклар ҳам яшайди. Афғон халқи тарихдан мағрур ва заҳматкаш халқ эканлигини биламиз. Биз, албатта, қўшниларимизнинг тинч бўлишини истаймиз. Лекин, ноилож ҳокимият тепасига келган толиблар оқиллик билан иш тутишни истамаяптилар. Улар ўз мамлакатлари ичида бошбошдоқликни авж олдирдилар, одамларни уй-жойларидан ҳайдаб чиқардилар, адолатни қарор топтиришга йўл қўймадилар. Натижада сўнгги йилларда ҳам бу юрт тинчимади.

Усама бин Лодинга жой берди. Буларнинг ўзбошимчалиги шу даражага етдики, инсониятнинг буюк мероси бўлган қадимий обидаларни вайрон қилдилар. Нодонлик, фанатизм шунчалик бўладими?! Шу фанатизм таъсирида булар бин Лодиндек террорчини мамлакатдан чиқариб юборишни исташмади. Оқибат аянчли бўлди. Президентимиз Ислом Каримов турли миш-мишлар ва иғволарга зарба бериб, бизнинг мамлакатимизнинг ҳозирги кундаги позициясини аниқ-тиниқ кўрсатиб берди.

Ўзбек халқи ҳамиша терроризмга қарши бўлган ва бундан кейин ҳам унинг ҳар қандай кўринишларига қарши боради. Президентимиз халқаро миқёсдаги террорчиларга қарши кураш олиб бориш ғоясини биринчи бўлиб ўртага ташлаган эди. Шундай экан, бу курашда четда туриб қолишимиз мумкин эмас. Шунинг учун бир аэродромимиздан гуманитар мақсадда фойдаланишга рухсат берилди. Лекин террорчилар маконини бомбардимон қилишда бизнинг юртимиздан бирорта ҳам самолёт учиб бормайди.

Воқеалар шиддат билан ривожланаяпти. Террорчилар маконини барҳам топгандан кейин Афғонистонда яна тинчлик ўрнатилади ва бу халқ, бу юрт билан қадимги тарихий ришталарни тиклаб, аҳиллик ва дўстликда яшаймиз, иншооллоҳ.

■ **Озод ШАРАФИДДИНОВ, адабиётшунос**

ТЕРРОРИЗМНИНГ ДИНИ БЎЛМАЙДИ

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим.

Ҳурматли Президентимизнинг баёнотини бутун ўзбек халқи, жумладан, биз мўмин-мусулмонлар юрагимизда катта умид ва ҳаяжон билан қарши олдик. Баёнотда «Қудратли давлатлар, хусусан, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия раҳбарлари бу кураш асло ислом давлатларига, ислом динига, Афғонистон халқига ёки «Толибон» ҳаракатига қарши қаратилмаганини, унинг асл мақсади мудҳиш террор машинасини бутун дунёда йўқ қилишдан иборат эканини алоҳида таъкидламоқда» дейилгани юрагимиздаги озгина шубҳа ва ғулғулани ҳайдади. Эзгулик учун курашда, террор деган ваҳший кучни йўқ қилишга қаратилган ҳаракатда Ўзбекистон ҳукумати, ўзбек халқи қачон бир четда қўл қовуштириб турган?!

Аввало, бундай мудҳиш, хунрез, инсониятнинг ашаддий душмани бўлган террордан биз азият чекдик-ку. Бугун панапастқамда элимиз тинчлигига раҳна солишга пайт пойлаб турган ёвуз кучларга мақсадлари амалга ошмасдан зарба бериш керак эмасми?! Терроризм деган хавфга курашда четда турганларни бугун ким деб аташ мумкин?!

Терроризмнинг миллати йўқ, Ватани йўқ, дини йўқ. Терроризм билан курашнинг ҳозир Афғонистонда бўлаётганлигига қараб мусулмонлар билан бўлаётган кураш, деб тушунмаслик керак. Баъзи онги паст кишилар бу воқеага бошқа тўн бериб «мана мусулмонларга қарши кураш бўлаяпти», деб диний туйғуларга эрк бермоқчи, динлар ўртасида адоват қўзғамоқчи бўлишяпти. Мусулмонлар фақат Афғонистонда эмас, ер юзининг ҳамма жойида мавжуд. Американинг ўзида 10 миллионга яқин мусулмонлар истиқомат қилишади. Ғарбда мусулмон, Шарқда мусулмон — ҳамма жойда мусулмонлар бор. Ер юзидаги ҳамма мусулмонлар, хусусан, Афғонистондаги мусулмонлар ҳам курашнинг нишонига айланаётгани йўқ. Айтинг, қайси давлатдаги мусулмонлар ўша давлат томонидан қувғун қилинаяпти ёки қайси бир ҳукумат «террор» номини «ислом» номи билан қўшиб айтмоқда?!

«Мусулмон» дегани ўз номи билан «тинчликсевар» дегани. Пайғамбаримиздан сўраган эканлар: «Мусулмон деб кимни айтамиз, Ё Расулуллоҳ?».

Шунда ул зот жавоб берган эканлар: «Тили билан, қўли билан бировга зарар етказмайдиган инсонларни мусулмон деймиз».

Одамларнинг тинчини бузаётган, бегуноҳ одамларнинг қонини тўкаётган террорчиларни мусулмон десак, хато бўлса керак Оллоҳ олдида. Мусулмонларнинг, пайғамбаримиз сифатлаганларидек, қўлидан, тилидан бировга озор етмайди, нияти ҳамиша эзгулик бўлади мусулмоннинг. Елкасига автомат орқалаб олиб, мен мусулмонларнинг ҳимоячисиман, дея инсон зотига, унинг Оллоҳ берган умрига тажовуз қилаётганларнинг мусулмонлик даъвосида нечоғлиқ ҳақиқат бор, ислом бор?! Балки ислом уларнинг ниқоби. Асл башараларини пардалаш учун муқаддас динни улар восита қилмоқдалар, холос.

Президентимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ огоҳликка, терроризмдан келаётган хавф-хатарга хушёр муносабатда бўлишликка даъват этиб келадилар.

Терроризмга қарши курашда ҳамиша даъваткор бўлиб келган, қолаверса, терроризмдан азият чеккан, чекаётган давлат сифатида ҳукумат раҳбаримизнинг кечаги баёноти менга табиий туюлади. Зеро, терроризмга қарши бутун дунё бўйлаб уруш эълон қилинган экан, Ўзбекистон ҳукумати бир четда турмаслиги табиий ҳолдир. Чунки терроризм инсониятнинг душмани, тараққиётнинг кушандасидир. Бу кушандани инсоният, давлатлар қўлни қўлга бериб ер юзидан йўқ қилиб ташлаши лозим.

■ **Фозил қори СОБИРОВ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари қўмитаси раиси**

МАЛЪУН КИМСАЛАРГА ЎРИН ЙЎҚ

Мен терроризмнинг малайлари террорчи тўдаларнинг афту башарасини жуда яхши биламан. Улар назаримда бадхулқ одам қиёфасидаги махлуққа ўхшайди. Осойишталик, тинчлик ва хотиржамлик ичидан ўрмалаб, учраганга заҳрини соладиган илонга ўхшатаман уларни.

Терроризм балосидан халқимиз азият чекди. У етказган заҳмат эвазига қанчақанча оналаримизнинг кўз ёши шашқатор оқди. Оталар кўкси пора-пора бўлди. Фарзандлар етим қолди.

Террорчилар мени ҳам зор қақшатган эди. Худодан тилаб олган фарзандимиз уларнинг ўлим чангали домига тушган эди. Мана орадан ўша машъум кун — 16 февралга ҳам 3 йилга яқин вақт бўлаётган бўлса-да, ҳамон қулоғим остида бомба портлаши ўчмайди, кўз ўнгимда осколкалар сачраши кетмайди.

Яқинда Америкада ҳам бу террорчи галалар алам оловини ёқишди. Минглаб кишилар бегуноҳ қурбон бўлдилар. Қисқаси, террорчи тўдалар учун бошланган дунё ҳамжамиятининг кураши эзгулик тантанаси учун курашдир. Она сайёрамизда бундай малъун кимсаларга ўрин қолмаслиги керак.

■ **Ҳаким ҲАБИЛОВ**

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Инсоният тарихида муҳим саналар жудаям кўп.

Биз у кунларни деярли ёддан биламиз.

Вақтни шу кунларга қиёслаб санаймиз.

Саналар ичида яхшиси ҳам, ёмони ҳам бор. Шулар қаторида ўша машъум 16 феврални ҳам эсга оламиз. Ҳар биримизнинг юрагимизда бу кун, бу сана, бу мусибат ўчмас доғ бўлиб қолди.

Ҳатто бирор бошқа воқеа ҳақида гапирадиган бўлсак, шу кунни мўлжал қилиб, «16 февралдан олдин бўлганди ё кейин» деб эслаймиз.

Ана шундай саналардан яна бири — 11 сентябрдир.

Шу куни АҚШда содир этилган террорчилик ҳаракати жаҳонни ларзага келтирди, ҳамон ўша даҳшатли манзаралар кўз олдимизга келади, туш кўргандай сесканамиз. Шу кундан бошлаб жаҳон халқлари терроризм бир гуруҳ қора ниятли кишиларнинг ўзича қиладиган бемаънигарчиликлари эмас, аксинча инсоният бошига ёғилаётган мудҳиш балойи офат эканини ҳис қилди.

Назаримда, дунё халқлари, арбобу корчалонлари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бир неча йиллардан бери куюниб айтаётган огоҳлантириш — терроризм ўта жиддий хавф, унга қарши фақат биргаликда, уюшиб курашиш лозимлигини обдон тан олишган бўлса ажабмас.

Кеча эса барчамиз яна ойнаи жаҳонга михланиб қолдик. Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британия ҳарбий кучлари Афғонистондаги террористик кучларнинг база ва истеҳкомларига ҳаводан ҳужум бошлашди.

Тўғриси, шу кадрларни кўрар эканмиз, ҳаммамизнинг хаёлимиздан турлича фикрлар ўтгани рост. Чунки уруш ҳар қандай кўринишда ҳам одам боласини ларзага солади. Телевизор кўриб ўтирган фарзандларимнинг ваҳимали гапларини эшитиб, уларга ўзимча, ўз билганимча тушунтириш бердим.

— Ада, биз ким томондамиз? — сўрайди 5-синфда ўқийдиган ўғлим.

Мен унга тағин ўша 16 февраль воқеаларини эслатдим, бегуноҳ тўкилган қонларни кўриб, мурғак бола лол қолганини, кўзларига ёш келганини билдирдим.

11 сентябрда ҳам худди ўзининг эгизак опаларига ўхшаш, Америка улуғворлигининг рамзи бўлмиш қўш бино кули кўкка совурилганини кўрганда бу маҳмадона болакай қотиб қолганини эсига тушириб қўйдим.

Бу уруш бегуноҳ, меҳнаткаш афғон халқига эмас, балки ҳаётини фақат бузғунчилик ва террорга боғлаган, наркотик моддалар ва қуролдан бошқа нарсани билмайдиган, ўзгалар ҳаётини писта пўчоғичалик қадрламайдиган жиноятчиларга қарши қаратилганини айтиб тинчлантирдим...

Шу воқеалар арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Баёноти матбуотда эълон қилинди. Мен бу Баёнотни ҳар бир юртдошимиз, иложи бўлса, ҳатто бошқа юртдагилар ҳам ўқиб чиқишларини жуда-жуда истардим.

Баёнотда бугунги кун, терроризмга муносабат, Ўзбекистоннинг позицияси жуда ишонарли, жасорат билан очиб берилган. Ва бугунги ҳолатда энг тўғри йўл бу курашга қўшилиш эканлиги террор балосидан азият чеккан, уч йилдан бери унга қарши якка ўзи курашаётган мамлакатнинг саъй-ҳаракати қандай бўлиши лозимлиги тўла очиб берилган. «Ўзингиз ўйланг, қачонгача бу офатга ёлғиз ўзимиз қарши туришимиз мумкин? Бунинг устига, оғир бўлса ҳам айтаман, қачонгача бундай ёвуз таҳдид остонамиз олдида, бошимиз устида бало-қазо бўлиб туради?» дейди Президент ўз Баёнотида.

Чиндан ҳам, терроризмдан жабр кўрган халқимиз учун бугун четда қолиш, томошабин бўлиб, турли сиёсий ўйинларда қатнашиш номақбул бўлур эди. Баёнотдаги ушбу сўзларни яна бир бор такрорлайман:

«Бугун барчамизга оддий бир ҳақиқат аён бўлиши керак: бутун инсониятга катта таҳдид солиб турган бу иллатга барҳам бериш борасидаги курашда ҳеч ким, ҳеч қайси давлат четда қолмаслиги табиий».

АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий самолётлари Афғонистон ҳудудига нафақат бомба ташлаяпти, шу билан бирга, АҚШ жафокаш афғон қочоқларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун 320 миллион доллар ажратишга қарор қилгани, бу ёрдамнинг дастлабки қисми самолётларда етказиб келингани, улар озиқ-овқат, дори-дармон, уст-бош эканлиги бу курашнинг мазлум фуқарога қарши қаратилмаганини билдиради.

Ҳа, бугун халқаро терроризм ўчоғини йўқ қилиш, унинг илдизини тагтомири билан суғуриб ташлаш учун аксилтеррорчи давлатлар коалицияси шижоати туфайли қулай имконият вужудга келди. Фарзандларимиз тинчлиги, ҳаётимиз осойишталиги учун тинч, ҳалол яшаш ва меҳнат қилиш бахтидан бебаҳра қолмаслик учун ҳам бу имкониятни қўлдан бермаслик лозим.

■ **Аҳрор АҲМЕДОВ**

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ҚИММАТГА ТУШГАН БУЙРУҚ»

«Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 16 август сонида чоп этилган «Қимматга тушган буйруқ» мақоласи Балиқчи тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи ҳамда унинг ўринбосарлари, бошқарма мутахассислари, ширкат хўжаликлари раҳбарлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги директори, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи кооперативлар раислари иштирокида ўтказилган йиғилишда атрофлича муҳокама қилинди.

Мақолада «Балиқчи» ширкат хўжалиги томонидан фермер хўжаликларига келтирган зарарни тўлаш пайсалга солинаётганлиги таъкидлаб ўтилган.

Ушбу мақола чоп этилгунга қадар «Балиқчи» ширкат хўжалиги томонидан «Шермат ота» фермер хўжалигига 710 минг сўм, «Сайдулло ота» фермер хўжалигига 1 млн. 58 минг сўм пул ўтказиб берилган.

2001 йил 28 август куни «Сайдулло ота» фермер хўжалиги ҳисоб рақамига яна 3 млн. сўм пул ўтказиб берилди ва жами ўтказиб берилган пул миқдори 4 млн. 58 минг сўмни ташкил этганлиги маълумот учун қабул қилинди. «Балиқчи» ширкат хўжалиги томонидан «Шермат ота» фермер хўжалигига қолган 962600 сўм, «Сайдулло ота» фермер хўжалигига 734900 сўм тўланиши учун мутасаддилар томонидан тегишли тадбирий чоралар кўрилмоқда ва бу иш туман ҳокимлиги томонидан назоратга олинди.

Туманда деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш, мақолада кўрсатиб ўтилган ҳолатлар қайта такрорланмаслигини таъминлаш, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳуқуқлари паймол этилишининг олдини олиш бўйича йиғилишда қарор қабул қилинди.

■ **Андижон вилоят ҳокимлигининг агросаноат мажмуи бўйича котибият мудири А. ТОШТЕМИРОВ**

ДУНЁ БОЛАЛАРНИКИ БЎЛСИН



■ Шавкат АКРАМОВ ва Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 9 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */

1 Австралия доллари	217,51	10 Люксембург франки	97,73
1 Австрия шиллинги	28,65	1 Малайзия рингити	112,96
1 Англия фунт стерлинги	635,63	1 Германия маркаси	201,58
10 Бельгия франки	97,73	1 Польша злотийси	103,42
1 Голландия гульдени	178,90	1 СДР	552,60
10 Греция драхмаси	11,58	1000 Туркия лираси	0,27
1 Дания кронаси	53,06	1 Финляндия маркаси	66,31
1 БАА дирхами	116,86	1 Франция франки	60,10
1 АҚШ доллари	429,19	1 Швейцария франки	266,33
1 Миср фунти	100,99	1 ЕВРО	394,25
10 Испания песети	23,70	10 Жанубий Корея вони	3,27
100 Италия лираси	20,36	10 Япония иенаси	35,81
1 Канада доллари	274,80	1 Россия рубли	14,54
1 Хитой юани	51,85	1 Украина гривнаси	80,58

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ХРОНИКА

БОМБАРДИМОН ҚИЛИНДИ

АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелднинг Осиё мамлакатлари бўйлаб сафари ниҳоясига етгач, 7 октябрь куни Пентагон терроризмга қарши ҳарбий ҳаракатларини бошлади. Яъни АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий ҳаво кучлари Афғонистонда толиблар позициясини бир неча бор бомбардимон қилди. Ҳозирча толиблар томонидан кўрилган талафотлар ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.

АҚШ Президенти Жорж Буш ҳарбий ҳаракатлар бошланиши муносабати билан америкаликларга қаратилган баёнотида ушбу қадамнинг зарурийлигини қўйидагиларда ифодалади. Аввало толибларга АҚШ томонидан қўйилган талабларнинг, яъни Усама бин Лодинни АҚШга топшириш, Афғонистон ҳудудидаги террористик гуруҳлар лагерларини ёпиш ва мамлакатдаги чет эл фуқароларини озод этиш талабларининг бирортаси бажарилмагани таъкидланди. Шунингдек, АҚШ Президенти бу уруш жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари томонидан қўллаб-қувватланаётганини ва характерига кўра терроризмни буткул қўпориб ташлашга қаратилганини айтди.

Биринчи ва иккинчи ҳаво зарбалари амалга оширилгач, АҚШ ва Британия қўшинларига ҳарбий кўмак бериш борасида Франция Президенти Жак Ширак ҳам баёнот берди. Худди шундай баёнот НАТО томонидан ҳам эълон қилинди. Ҳозирча ҳаво зарбаларини қўллашда асосан кемаларга жойлаштирилган ракеталар ва самолётлардан фойдаланилмоқда.

Ҳаво зарбалари Афғонистоннинг барча йирик шаҳарлари бўйлаб уюштирилган. Аввало мамлакатдаги электр манбаи нуқталари, толибларнинг ҳарбий аэродромлари ва Мудофаа вазирлиги ҳаво зарбаларига учраган деган маълумотлар бор.

АҚШ фақатгина ҳаво зарбалари билан чекланиб қолмайди. Ҳаво зарбаларининг қанча давом этиши номаълум, аммо ҳарбий ҳаракатларнинг кейинги даврида пиёда қўшинларидан иборат махсус гуруҳ Афғонистонга киритилиши мўлжалланмоқда. Кутилганидек, ушбу зарбалар афғон мухолиф кучлари шимолий қўшинлар ҳаракатини фаоллаштирди. Маълумотларга кўра, шимолий қўшинлар толиблар тасарруфидаги муҳим стратегик нуқта Мозори Шариф шаҳрини ҳалқага ўрашга муваффақ бўлишган.

Мамлакатимиз Президенти АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелднинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида мамлакатимизнинг ушбу терроризмга қарши курашдаги ўрни ва муносабатини аниқ таъкидлаб ўтди. Ўзбекистон Президентининг баёнотида эса бу муносабатлар меъёри ва чегараси аниқ белгиланади. Ўзбекистон барча тараққийпарвар мамлакатлар қатори терроризмни илдизи билан қўпориб ташлаш тарафдори. Бироқ «Бизнинг ҳудудимиздан Афғонистонга қарши ердан жанговар операциялар амалга оширилишига йўл қўйилмайди». Шунингдек, «Бизнинг ҳудудимиздан Афғонистонга қарши бомбали ҳужум операциялари амалга оширилишига розилик берилмайди». Ўзбекистон терроризмга қарши курашаётган тараққийпарвар мамлакатлар қаторида экан, бошқа мамлакатлардан фарқли равишда Ўзбекистоннинг террорчилар ҳудуди билан чегарадош эканлиги бу курашда давлатимиз тутаётган йўлнинг мардонавор эканлигини кўрсатади.

Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларга қайтадиган бўлсак, шимолий қўшинлар ўз фаолликларини янада оширмоқда. Улар бераётган маълумотларга кўра, терроризмнинг умри қисқариб бормоқда. АҚШ ва Британия кучлари янги ҳаво зарбалари беришга ҳозирлик кўряпти. Бевосита ҳарбий кўмак билан иштирок этувчи иттифоқдош мамлакатлар сафи янада ортиши кутилмоқда.

ҲАВО ҲУЖУМИДАН СЎНГ...

АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелд ҳарбий ҳаракатлардан сўнг Пентагонда ўтказган брифингида Афғонистонга уюштирилган бу ҳужум катта ҳаракатнинг бошланиши эканлигини айтди. Мудофаа вазирининг сўзларига кўра, учирилган барча ракеталар мўлжални ишғол этган. АҚШ ҳаво кучларига қарашли бирорта самолёт ҳам шикастланмаган. АҚШ ҳарбий ҳаракатлар билан бир қаторда афғон халқи учун инсонпарварлик ёрдамини ҳам кўрсата бошлаган. Афғонистонга ҳаводан 37500 кишига мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотлари ташланган.

Мудофаа вазири ушбу брифингда ҳарбий ҳаракатларнинг илк босқичи толибларнинг ҳаво кучларини ишдан чиқаришга қаратилганини айтди. Бироқ Рамсфелд ҳозиргача амалга оширилган операцияларнинг муваффақияти ҳақида гапиришдан чекланди.

Толиблар Қобул ва Қандаҳор шаҳарларидаги ҳарбий объектларнинг шикастланганини тасдиқлашади. Бўлиб ўтган ҳаво зарбаларидан сўнг, Би-Би-си хабарига кўра, 20 нафарга яқин киши қурбон бўлган. Улар орасида тинч аҳоли ҳам бўлиши мумкин.

Толиблар мухолифати шимолий қўшинларнинг маълумотига кўра, АҚШ ҳаво зарбалари оқибатида Жалолободдаги террорчилар базаси, толибларнинг Қундуздаги авиабазалари ва Мозори Шарифдаги аэродром зарарланган.

Ҳозиргача бўлган ҳаво ҳужумларида 50 дан ортиқ ракета ишлатилган, 15 бомбардимон ва 25 қирувчи ҳарбий самолётлар ҳаракатланиб турибди. Бу самолётларнинг кўплари кемаларда сақланади. Афғонистонга бўлган ҳужум мобайнида Покистон ҳаво кенгликларидан фойдаланилган. Буни Покистон етакчиси генерал Мушарраф ҳарбий ҳаракатлар бошлангандан сўнг Исломободда ўтган матбуот анжуманида таъкидлади.

■ Малик МАНСУР

ПАРЛАМЕНТ ИСЛОҲОТИ ВА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

Демократик ривожланиш йўлидан илдам бораётган мамлакатимиз учун, ўз тарихий тажрибаси, имконият ва салоҳияти билан бир қаторда, илғор давлатлар амалиёти ҳам асқотади. Зеро, ушбу давлатлар босиб ўтган тараққиёт йўлида тўпланган ижобий тажрибанинг бизнинг шароитларда қўлланиши мумкин бўлган жиҳатларини ўзлаштириш, воқелигимизга мослаштириш ва унда учраган хатоларимизга йўл қўймасликнинг, Ўзбекистондек, ўтиш даврини бошдан кечираётган, мамлакатлар ривожланишини жадаллаштиришда аҳамияти шубҳасиз. Шу жиҳатдан олганда, юртимизда фаолият кўрсатаётган қатор халқаро ташкилотларнинг, бу масалада, бизга беминнат ёрдам кўрсатаётганлиги таҳсинга лойиқ.

Хусусан, ГФРнинг Конрад Аденауэр жамғармаси мазкур йўналишда фаоллик кўрсатмоқда. Унинг саъй-ҳаракатлари билан республикамизда фаолият кўрсатаётган нодавлат, нотижорат ташкилотлар учун турли семинар, учрашув ва тадбирлар ташкил этилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 1-4 октябрь кунлари Тошкентда мазкур жамғарма, мамлакатимиздаги мавжуд тўртта сиёсий партия ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан биргаликда, **«Парламент ислоҳоти — Ўзбекистонда демократия тараққиётининг янги босқичи»** мавзуида, Ишчи конференцияси ўтказди. Унинг ишида Конрад Аденауэр жамғармасининг минтақавий вакили жаноб Вольфганг Шрайбер, сиёсий партияларнинг республика ва минтақавий ташкилотлари раҳбарлари, сиёсатшунослар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП вакиллари, конференциянинг ялпи мажлислари ва ишчи гуруҳларида маърузалар ва муҳокамаларда фаол иштироклари билан, унинг ишига муносиб ҳисса қўшдилар. Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов ўз сўзида туб ислоҳотлар изчил олиб борилаётган мамлакатимизда демократик жамият бунёд этилаётганлиги, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан парламентни ислоҳ қилишга тайёргарлик бошланганлиги, бу жараёнда, барча сиёсий партиялар қатори, ХДП ҳам фаол иштирок этишини таъкидлади.

Шунингдек, анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Адолат социал-демократик партияси Сиёсий кенгаши биринчи котиби Турғунпўлат Даминов, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Иброҳим Ғофуров, Ўзбекистон «Фидокорлар» Миллий демократик партияси Марказий Кенгаши аъзоси Миракмал Миролимовлар конференциянинг очилиши билан иштирокчиларни табриклаб, унинг ишига муваффақият тиладилар.

Анжуманда иштирок этган ГФРнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Мартин Хеккер жаноблари Германияда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг иш тажрибаси тўғрисида сўзлаб берди ва мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона ҳамкорликнинг ривожланиб бораётганлигига йиғилганлар диққатини тортди.

Анжуман охирида партиялар фаолиятини ёритиш бўйича ўтказилган танлов ғолиблари бўлган журналистлардан бир гуруҳига мукофотлар топширилиши билан сиёсий партиялар ҳаётида матбуотнинг аҳамияти муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Эркин фикр алмашиш ва баҳс-мунозаралар руҳида ўтган конференциянинг Ўзбекистондаги сиёсий партиялар фаолиятининг фаоллашувига хизмат қилиши, шубҳасиз.

■ С. ҚУРБОНОВ



«Шуҳрат» медали соҳиби Камолиддин Ғанибоев Тўрақўрғон туманидаги «Олтин водий» ширкат хўжалигида бош пудратчи бўлиб ишлаб келмоқда. Бу йил 60 гектар ерга пахта экиб, 36 центнердан ҳосил олди.

■ Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК...

Хазорасп тумани пахтакорлари давлат хирмонига 26 минг тоннадан зиёд аъло навли пахта топшириб, шартномавий режаларини уддаладилар. Хирмон 25 иш кунида бунёд этилди.

Сув тақчил шароитда ҳосил яратишнинг ўзи бўлмади. Туман хирмонига «Хоразм», «Шарқ юлдузи», «Обод», «Хазорасп» ва «Ўзбекистон» ширкат хўжаликлари салмоқли улуш қўшдилар. Бу хўжаликларда 45 центнердан ошириб пахта етиштирган илғорлар бор. Илғорликдан моддий манфаатдорлик келади. Ўтган йилни 145 миллион зарар билан якунлаган «Обод» ширкат хўжалигида раҳбар алмашуви билан кескин ўзгариш бўлди. Ҳозиргача фақат пахтанинг ўзидан 215 миллион сўм даромад қилишга эришилди.Туман деҳқонлари ялпи ҳосилдорликни 30 центнерга етказиш мақсадида меҳнат қилмоқдалар.

■ Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири

«ХАЛҚНИНГ ХИЗМАТИДА БЎЛАЙЛИК»

— дейди Жиззах вилоят прокуратураси тергов бошқармаси бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси Тўйчибой Ҳайиталиев

— Ҳуқуқшунос бўлиш орзумиди ёки тасодиф?

— Ҳар қандай адолатсизлик киши юрагида чуқур из қолдиради. Бу оддий ҳақиқат. Бироқ ёш болага бу нарса янада бошқачароқ таъсир қилар экан. Буни ўзим кўрдим, англадим. Очиғи, мактабда ўқиб юрган кезларимда бир ноҳақлик туфайли ғазаб ва нафрат учқунлари пайдо бўлган. Кейинчалик бу туйғулар яхши маънодаги орзу-истакларни юзага чиқарди. Тўғри, «ҳолва», деган билан оғиз ширин бўлмайди. Шунинг учун ҳам астойдил ҳаракат қилдим. Худога шукр, ҳаракатларим зое кетмади.

— Қандай муаммолар сизни ўйлантиради?

— Ҳамиша бир нарсани ўйлайман. Нимага айрим ҳолларда фуқаролар бизга мурожаат қилишлари керак бўлса-да, ҳокимият ва бошқа идораларга қатнайдилар? Нега мутасадди идоралар ходимлари уларнинг мурожаатлари юзасидан аниқ ва тўғри жавоб бермайдилар? Кейин ўзимча бу саволларга жавоб топган бўламан, мулоҳаза қиламан: демак, кўпроқ халқ ичида бўлиб, кўпроқ тушунтириш ишларини олиб боришимиз, уларни адолатсизликдан ҳимоя этувчи ҳуқуқий идора сифатида ишонтира билишимиз, буни амалда исботлашимиз лозим. Юртбошимиз айтганидек, биз ҳам халқнинг бир бўлагимиз. Ҳеч кимдан ортиқ жойимиз йўқ. Халқнинг чинакам хизматкорига айланмоғимиз керак. Шундагина юзимиз ҳам, кўнглимиз ҳам ёруғ бўлади.

— Жазо тайинланиш жараёнида айбланувчига раҳмингиз келадими?



— Ҳуқуқбузарларга жазони фақат суд тайинлайди. Лекин содир этган қилмиши учун жиноятчига айб эълон қилиш, айбловни судга юбориш ва қамоққа олишга санкция бериш жараёнларида унинг ижтимоий келиб чиқиши, ёши ва оилавий аҳволи билан танишганимда, агар биринчи марта, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган бўлса, тўғриси, унга ич-ичимдан ачинаман, раҳмим келади. Лекин начора, иккинчи томонда жабрланувчи ҳам бор. Ана шу маънода ҳар бир ҳолатни адолат тарозисига солиб хулоса чиқараман.

— Сизнингча, прокуратура ходими қандай бўлмоғи керак?

— У прокурорми, судьями, ички ишлар ходимими, ҳуқуқни муҳофаза этувчи қайси идора вакили бўлмасин, аввало мустақилликни сақлашга, ҳисса қўшмоғи керак. Ким бўлмайлик, истиқлол манфаатлари барчамиз учун муҳим. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги маърузасида фаолиятимизга ҳақиқий баҳо бериб, бу соҳада ҳам ислоҳотларни амалга ошириш кераклиги хусусида фикр билдирдилар. «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси билан танишиш жараёнида сиз берган саволга тўлақонли жавоб топса бўлади. Мазкур ҳужжатда прокурорлар ишига қонунчилик асосида баҳо беришнинг аниқ мезонларини белгилаб берадиган меъёрлар ҳам биринчи марта кўзда тутилмоқда. Бу — ҳуқуқий соҳадаги катта ислоҳот. Эндиликда барчамиз олдимизда турган масъулиятни чуқур ҳис этиб, бурчимизни оқлашимиз лозим.

— Ишдан бўш вақтларингиз қандай кечади?

— Бундай вақтлар жуда кам. Вақт топсам фарзандларим тарбияси билан шуғулланаман. Кейин тарихий адабиётларни мутолаа қиламан. «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Моҳият», «Ҳуррият» сингари вақтли матбуот нашрларини севиб ўқийман.

■ Суҳбатдош: Аъзам ХЎЖАҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири



Бахмал туманидаги Абдувоҳид Усанов номли ширкатлар бирлашмаси боғбонлари халқимиз дастурхонини ширин-шакар мевалар билан бойитмоқда.

— 97 гектар олмазорларни ижарачиларга бўлиб берганмиз. Оқибатда хўжалигимиз кутилган ҳосилни олиш ниятида турибди. Бу ерда ҳар ким меҳнатига яраша фойда кўради. Ишлаган, имконият қидирган ютқазмайди — дейди бош ҳосилот Жўрақул Қодиров.

■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

САНДИҚСОЗУ КАНДАКОР

Халқимиз заковати билан яратилган ҳунарлар йўқолмайди. Аксинча, замон синовидан ўтиб, ёш авлоднинг ҳам севимли юмушига айланмоқда. Чунончи, Қарши шаҳар ҳокимлигининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлими ёшлар, шунингдек, хотин-қизларга ҳунар ўргатиш мақсадида уч ойлик курслар ташкил этганди. Шаҳарнинг Равоқ, Қарлиқона, Бўстон, Ойдин, Нефтчилар маҳаллаларида очилган курсларда ўқиган 43 нафар ёшларга гувоҳнома берилди.

Энг муҳими, ёшлар сандиқсозлик, зардўзлик, кандакорлик, каштачилик ҳунарларини эгалладилар. Маълумки, бу каби ҳунар аҳли тайёрлайдиган буюмлар замон элагидан ҳеч маҳал тушиб қолмайди. Меҳнат бўлими яна 50 кишига миллий ҳунармандчилик сирларини ўргатишни режасига киритган.

■ Юнус УЗОҚОВ



■ Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

Фарғона вилояти Бешариқ тумани солиқ бошқармаси ходимлари ҳамма қулайликларга эга бўлган янги бинода иш бошлаганига унча кўп бўлгани йўқ. Яратилаётган шарт-шароитлар солиқчиларнинг ўз вазифасига янада масъулият билан ёндашишини талаб қилмоқда.

Шу ўринда 6 ойлик режалар ҳам ортиғи билан бажарилиб, 554 миллион 939 минг сўм ўрнига 593 миллион 688 минг сўм маблағ бюджетга жалб қилинганлигини айтиб ўтиш ўринли.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

ТЕМУРНИНГ ПОЙҚАДАМИ

Жонзотлар сараси бўлмиш инсон тафаккури нималарни кашф этмади дейсиз? Ҳозирча тақдирул азалга ожизлик қилмоқда, холос. Боиси, инсон боласининг қанча умр кўришию қачон узлатга оёқ узатиши фақат тангрига аён. Шу жиҳатдан қараганда, Темурнинг болалигидаёқ у албатта қурувчи бўлади дейишганда, кўпчиликнинг ҳайратга тушиши табиий эди.

Темур Тошкентда ер қимирлаб, ҳамма саросимага тушган бир паллада етуклик аттестатини қўлга киритган. Лаёқатми, қизиқишми, ҳарқалай, ҳужжатларини Ангрендаги политехника институтининг умумий техника факультетига топширди. Кечки бўлимда ўқиб, кундузи ишлаб юрган йигит лаёқатини кўрган ўқитувчилар уни пойтахтга, институтнинг асосий манбаида ўқишни тавсия этишди. Шу тариқа қурилиш факультетини битириб, қўлга имтиёзли дипломни олган Темур институт йўлланмаси билан Бекободга отланди. У меҳнат фаолиятини 10-механизациялаштирилган кўчма жамланмада бошлади. Кўп ўтмай Бўкадаги ана шундай тўртинчи жамланмада ишлай бошлади. Бу ерда усталикдан участка бошлиғи лавозимигача кўтарилди.

1978 йилда унинг ҳаётида ўзига хос воқеа юз берди. Темур Сидиқов ўша даврдаги йирик жамоа хўжалигининг раиси Саидраҳим Саймоқов назарига тушди. Раис Темурни қурилиш ишлари бўйича ўзига муовин бўлишини таклиф этди. Ўқиган, билганларини кенг қўламда фаолият кўрсатиши билан амалда рўёбга чиқаришни орзу қилиб юрган Темурнинг олдида кенг уфқлар очилди. Ҳамиша одамлар ташвиши билан яшаган, ободончилик ишларига эътиборни қаратган Саидраҳим раиснинг вафотидан кейин жамоа аъзолари унинг номини абадийлаштириш мақсадида жамоа хўжалигини унинг номи билан аталишини маъқул кўришди.

Темур эса раиснинг ўйлаган режаларини рўёбга чиқаришда катта саъй-ҳаракатлар қилди. Улардан баъзиларини эслаш мумкин. Чунончи, 60 ўринли ҳаммом, 1170 ўқувчига мўлжалланган мактаб, 200 ўринли



«Дўстлик» болалар оромгоҳи, қариялар учун «Пансионат», Тошкентдаги Митрофанов номли сув ҳавзасидан қолишмайдиган усти берк спорт кошонаси, қарийб 10 минг томошабинга мўлжалланган ўйингоҳ, 560 ўринли боғча мажмуаси каби ўнлаб иншоотлар Темурнинг елиб-югуриши ва тадбиркорлиги туфайли бунёд этилган. Бундан ташқари, унинг бошчилигида ички йўллар равонлашди, ажойиб паррандахона вужудга келди. Молхона, пиллахоналар замонавий кўриниш олди. Миришкор йигитнинг ҳожатбарорлигидан, айниқса, аҳоли мамнун. Шу йилнинг февраль ойи бошида юзта хонадонда табиий газнинг ёниши нур устига аъло нур бўлди. Темурнинг нияти холис. Келаси йилда яна 60-70 фоиз хонадонларни газлаштиришни кўзламоқда.

Халқимизда бақироқ чолнинг бори яхши, деган ибора юради. Темурнинг шунча қилган бунёдкорлик ишларини ҳамма ҳам маъқуллаб, қўллайвермади. Боиси, Саидраҳим раисдан кейин хўжаликка бош бўлганлар бундай ободончилик ишларига беписанд қарашди. Бўлмаса, Саймоқовдан кейин Абдусаттор Жарлакопов, Мамадали Сиддиқов, Саидмухтор Саидкамолов, Қумри Шохўжаева, Ваҳоб Мирзақуловлар раислик қилишди. Қишлоқ аҳли, айниқса, Ваҳоб аканинг хатти-ҳаракатларидан норози десак муболаға бўлмас. Чунки 1991 йили раисликни қабул қилган бу киши хусусийлаштиришни ўзича тушуниб, сув ҳавзасини ака-укаларига сотиб, ажойиб спорт иншоотини харобага айлантирди. Ўйингоҳ ҳувиллаб ётибди. Шуни айтадиларда, биров қуради биров бузади деб.

Мана энди шу кунларда Саидраҳим аканинг ўғли Саидаҳад хўжаликка раис бўлиб турибди. Отаси бошлаган ишларни яна давом эттириш, халқ билан ҳамнафас бўлишга ҳаракат қилаётган Саидаҳад Саймоқов хўжаликда ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларига аҳамият бера бошлади. Демак, Темурнинг қадами яна қутлуғ келса, ажаб эмас.

■ Йўлдош СОЛИЕВ

Суратларда: 1. (чапдан) бошқарма бошлиғи Жалолиддин Мардонов, назоратчи Атхам Хошимов.
2. Назорат инспекцияси ходимаси Муаззам Маматқулова.
3.Бошқарманинг янги биноси

ЯНГИ ЗАМОН ОДАМИ

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТЎРТ БОСҚИЧИ

ОЧЕРК

1

1. ДАСТЛАБКИ САРМОЯ ЖАМҒАРИШ

Раҳматли Ҳаким ака Эркабоевни Олтиарикда танимаган киши йўқ эди. Оддий ўқитувчиликдан нафақага чиққан эса-да, ҳурмати казо-казоларникидан кам эмасди. Боиси — донолиги, ҳеч кимдан маслаҳати ёки ёрдамини аямаслиги эди. Лекин ўзи бировдан ёрдам сўрашни ор биларди. Ишдан бўш вақтларида дурадгорлик билан шуғулланарди. Бешта азамат ўғилни, ягона қизини ҳалол меҳнати билан тарбиялаган эди. Ўзингга ишон, бировнинг қўлига қарам бўлишдан худонинг ўзи асрасин, дерди доим уларга.

1988 йили беш ўғлини ёнига тўплади. Айтдики, замоннинг зайли ўзгаргани рост кўринади. Менимча, энди сиёсат орқасига қайтмайди. Шўронинг зўр, деган ҳукумати ҳам чарчабди. Ҳукуматга ишониб, бераётган ойлигига қараб ўтиришнинг пайти ўтди. Ўзимиз бирон юмушнинг бошини тутайлик. Беш панжа бирикса, мушт бўлади. Беш азаматнинг қўлидан келмайдиган иш бор эканми?!

Ҳаким аканинг ўғилларида ҳам усталикка иштиёқ кучли эди. Каттаси Нозимжон — техниканинг, кейингиси Раҳматжон — дурадгорликнинг ҳадисини олган эди. Аҳмаджон, Авазбек, Анваржонлар ҳам акаларининг ёнидан жилмайдиган қизиқувчан йигитлар бўлиб ўсишди. Шу боис, «Моҳир қўллар» деган кооператив очишди. Ишни дастлаб машина тузатишдан бошлашди. Таъмирлашга қабул қилинган машина тузатилгунча унинг ёнидан кетиш йўқ эди. Кечами-кундузми, барибир эди. Эҳтиёт қисм топилмаса, ўзларининг машинасидан ечиб олиб, қўйиб беришарди.

Ҳаким ака ўғилларининг бу ишини фақат рағбатлантирарди. Мижозни рози қилсанг, бошқалари ўзи келади. Олган пулинг ҳалол бўлади. Ҳалолнинг баракаси бўлади, деб ўргатарди. Кичик укалар машина тузатишни дуппа-дуруст эплаб қолгач, Раҳматжон дурадгорликни ихтиёр қилди. Ҳаким ака унинг шаштини қайтармади, аксинча, ишни кенгайтиришимиз учун бу қаторинг жуда маъқул, деди. Бир ишдан бир сўм, иккинчи ишдан икки сўм келади, деб ҳазиллашиб ҳам қўйди. Раҳматжон Олтиарикдаги машҳур усталарнинг олдига кириб, ёғоч ва ганж ўймакорлик ҳунарини ўрганди. Нақшинкор эшик-ром, устун ясайдиган бўлди. Кичик укалари ҳам бўш вақтларида ёрдамлашиб турди.

Икки ишдан икки сўм келади, деган қоидани маҳкам ушлаган Раҳматжон ўзи ясаган эшик-ромларни, устунларни ўзи бориб ўрнатиб бериш, шунинг баробарида мижознинг қурилишидаги бошқа кичик юмушларни ҳам адо этишни ўрганди.

Лекин ҳар ишнинг паст-баланди бор. Эшик-ромларни, устунларни, ёғоч-тахтанинг қимматлиги боис, харидорнинг чўнтаги кўтармай қолаётгани сезилди. Ўша йилларда собиқ шўролар салтанати чок-чокидан сўкилиб кетишни бошлаган, Россиядан ёғоч-тахтанинг келиши камайиб қолган эдида. Кеча-кундуз ишлаб топган пул қорин тўйғазишдан ортмай қолди.

Тахта тилиш дастгоҳи сотиб олиб, водийда ўсаётган азамат чинорлардан фойдаланиш ҳисобига нархни тушириш мумкин эди. Лекин, беш акаканинг тинимсиз меҳнатдан орттирган пули ҳам, Ҳаким аканинг озгина жамғармаси ҳам дастгоҳ сотиб олишга етмасди.

Ўша пайтлар Раҳимжон Қўқонда, Россиядан мол келтириб сотиб, тезда бойиб кетган бир тадбиркорнинг уйида устакорлик қилаётган эди. Кўпчиликнинг назарида, сердаромад бўлган ДАН нозири ишини ташлаб, устачилик қилиб юрган Раҳматжоннинг ҳалол-покизалиги «янги ишбилармон»га маъқул тушиб қолди. Бир ойда қанча топасан, деб сўради. Жавобини эшитгач, шунинг ўн баробари миқдорида маош бераман, фақат ёнимда туриб, савдога ёрдамлашсанг бўлди, деди. Раҳматжон ўшанда ўттизга ҳам тўлмаганди. Катта пулнинг дараги қонини қиздиргани рост. Келиб, отасига маслаҳат солди. Ҳаким ака бошини чайқади. Дедики, ўғлим, у одам яхши маслаҳат берибди. Лекин мен сенга ундан ҳам яхшироқ маслаҳат берай. Билгинки, осон келган пул осон кетади. Пешона теринг билан топган маблағингни эса ҳеч қачон беҳуда совурмайсан.

Раҳматжон «янги ишбилармон»га рад жавобини берганида ҳайрон қолгани ҳам рост. Ахир, ёнингизга олинг, текинга хизматингизни қилай, иш ўргансам бўлди, дегувчилар кўп эди-да. Лекин Раҳматжонни тушунди. Мендан нима ёрдам керак, деб сўради. Тахта тилиш дастгоҳи лозимлигини эшитиб, сизлар учун топмаслик гуноҳ, ернинг тагидан бўлса ҳам топиб бераман, дея ваъда берди. Топди ҳам. Ярим пулини насия қилиб сотди ҳам.

— Ўша акани ҳозир ҳам кўп ўйлайман, — дейди Раҳматжон. — Дадамнинг осон келган пул осон кетади дегани рост чиқди. Четдан мол олиб келаётганда, арзонроқ тушсин, деб қонун-қоидани бузган экан. Текшир-текширда очилиб қолди. Айбимни ёпаман, деб топган-тутганининг ҳаммасини юлғич тафтишчиларга бериб қутулди. Кейин Қўқондан бош олиб кетди. Жуда ишбилармон одам эди. Ҳозир ҳам ёмон яшамаётган бўлса керак. Лекин маблағининг совурилиб кетгани ёмон бўлди. Ахир, у кишининг ўша пайтдаги сармоясига уч-тўртта замонавий корхона қурса бўлар эди-да. Ўтники ўтга, сувники сувга, деганлари шу бўлса керак.

«Янги ишбилармон»дан ярим қарзга олган тахта тилиш дастгоҳи кўп иш берди. Маҳсулот таннархи арзонлашгач, харидор кўпайди, ишлар яна юришиб кетди. Ака-укалар энди катта-катта бинолар, данғиллама иморатларнинг эшик-ромини ўрнатишдан тортиб, ганчкор пардозигача битириб берадиган бўлди. Бу орада мамлакатимиз мустақилликка эришди. Қурилишда шарқона услубга эътибор кучайди. Ганчкор нақшлар урфга кирди. Лекин ганч ўймакорлиги жуда нозик, кўп вақтни талаб этадиган иш.

2

Бозор эса кенгайгандан-кенгайиб борарди. Харидорлардан тушаётган буюртмаларнинг ҳаммасини бажариш учун вақт ҳам, имкон ҳам етишмасди.

Ҳар бир ишга янгича ёндашишни одат қилган Раҳматжон бир хилдаги нақш ўйиш ўзини чарчатиб қўяётганини сезди. Илк бор нақш ўйиш, янги нақш ўйлаб топиш — ижод. Ижод — чарчатмайди. Лекин ижод ҳунарга айлангач, завқ йўқолади, чарчоқ бошланади. Ижоддан тўхтамаслик, янги-янги нақшлар ўйлаб топиш, айни чоғда, харидорларни ҳам йўқотмаслик учун нима қилиш керак?

Раҳматжон нақшли ганч плиткалар ишлаб чиқариш ҳавасига тушди. Бир неча турдаги нақшларда ажойиб композициялар яратиб, бозорни янада кенгайтириш мумкин бўларди ўшанда. Ганчкор плиткаларни пўлатдан тайёрланган қолипга қуйиш технологияси шундай пайдо бўлди.

Ҳалол меҳнат Эркабоевлар хонадонига қут-барака келтирди. Ҳаким ака муқаддас ҳаж зиёратига бориб келди. Ака-укаларнинг ҳар бирига данғиллама иморат қурилди. Қўша-қўша машина минишди.

Шу-шу ўзидан аввал яқинларининг оғирини енгил қилиш Эркабоевлар хонадонининг шиорига айланди. Энг кейин янги машина минган ҳам Раҳматжон бўлди. Дастлабки данғиллама иморат ака учун, кейингилари укалар учун қурилди. Раҳматжон ота ҳовлисида қолди.

2. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бозор иқтисодиётига ўтиш стратегик йўл, деб эълон қилинди. Хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилди. Лекин фақат хусусий сармояга асосланган фирмалар очишга одамлар анча вақт қўрқиб туришди. Эркабоевлар эса янги замон оқимини бошқалардан илгарироқ англади, десак муболаға бўлмайди. «Моҳир қўллар» кооперативи «Эркабоевлар» деб номланган оилавий хусусий корхона сифатида қайтадан рўйхатдан ўтказилди.

— Дастлаб, фақат уйларнинг пардози билан шуғулланган бўлсак, сармоя кўпайгач, ишни кенгайтириш эҳтиёжи туғилди, — деб ҳикоя қилади Раҳматжон. — Уй солаётган киши ёки иншоот қураётган фирма одатда битта корхона билан ишлашни маъқул кўради. Шу боис қурилиш ишларини тўла ҳажмда бажарадиган корхона ташкил этишимиз лозим бўлди. Лекин қуруқ қўл билан қурилиш қилиб бўлмайди. Ўша пайтлар туманимиздаги керамзит ишлаб чиқариш цехи банкрот бўлиб, ҳувиллаб ётган эди. Шу ердаги асбоб-ускуналарнинг олиш мумкин бўлган барча қисмлари ечиб олинган, қуруқ гавдаси сўппайиб турарди. Илгари етмиштача одам ишлаган корхонада қоровул билан директор қолган эди, холос. Улар ҳам корхона ҳовлисида мол боқиш, деҳқончилик қилиш учунгина юришганди. Шу қуруқ жойни 25 миллионга сотиб олиб, қурилиш базасига айлантирдик. Аввал хом ғишт ишлаб чиқарадиган линия ўрнатдик. Кейин уни ривожлантириб, пишган ғишт чиқара бошладик. Керамзит тайёрлаш ускунасини қайта жиҳозлаб, ундан алебастр тайёрлашни йўлга қўйдик. Ўзимиз оҳак пишира бошладик.

Дастлаб хусусий корхона буюртмалари унинг имкониятига нисбатан жуда оз бўлди. Албатта, фақат хусусий буюртмалар асосида уйжой қуриш билан шуғулланиб юраверишлари ҳам мумкин эди. Лекин бундай қилиш болта билан гугурт чўпини ёргандай бир гап. Чунки «Эркабоевлар» хусусий корхонасининг имконияти технологик жиҳатдан ўта мураккаб бўлган йирик иншоотлар қуриш учун ҳам кифоя қиларди. Лекин бундай қурилишлар учун буюртмани негадир хусусий

3

корхонага бериш ўша пайтларда одат эмасди. Хусусий корхонага катта қурилиш объектини топшириш айрим раҳбарлар учун ақл бовар қилмайдиган ишдай туюларди.

«Хусусий корхона» деган номдан қутулиш, айни вақтда унинг хусусийлигини сақлаб қолиш қонундан чиқмаган ҳолда уддабуронлик қилишни тақозо этарди. Корхона вилоят телерадиокомпанияси қошидаги хўжалик ҳисобидаги қурилиш-таъмирлаш ташкилоти сифатида қайта рўйхатдан ўтказилди. Буюртмачилар телерадиокомпания номини кўриб, давлат ташкилоти экан, деб ўйласинлар учун шундай қилишга мажбур бўлишди. Раҳматжон ўзини қурилиш ташкилотининг бошқарувчиси, деб таништирарди. Номидан фойдаланганлари учун телерадиокомпанияга тегишлича ҳақ ҳам тўлаб туришарди. Шу тарзда бир қанча вақт ишлаб юришди.

— Қурилиш ташкилоти, деганда ҳамма кўчма механизациялашган колоннани (КМК) тушунади, — деб изоҳлайди Раҳматжон. — Бизнинг қувватимиз унча-бунча қурилиш трестиникидан ортиқ бўлса ортиқки, кам эмасди. Лекин буюртмалар миқдори оз. Шунда бор-э, деб таваккалига корхонамизни вилоят «Деҳқонқурилиш» компанияси қошидаги «Кўчма механизациялашган колонна — 001» номи остида қайта рўйхатдан ўтказдим. Биргина шу ҳаракат учун компанияга уч акцияни беришга тўғри келди.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Янги КМКнинг раҳбари сифатида компаниядаги илк мажлисда иштирок этдим. Бошқарувчи ҳар бир КМК раҳбарини турғизиб, нечта одаминг бор, иш ҳажминг қанча, деб саволга тута бошлади. Оғзим очилиб қолди. Бирови йигирмата одамим, ўн-йигирма миллион сўмлик буюртмам бор, дейди, бошқасиники бундан сал ортиқроқ, холос. Бизда ўша пайтлар уч юздан зиёд иқчи, шунга мувофиқ муҳандислар, қирққа яқин техника, тўрт-беш юз миллионлик буюртма бор эди. Ростини айтишга уялдим. Аниқроғи, биринчи мажлисданоқ мени ёмон кўриб қолишларидан чўчидим.

Ишлаб чиқаришни кенгайтириш фақат базани кенгайтириш билан ҳал бўлиб қолмайди. Эшикром ясаш бошқа, катта қурилишни лойиҳасидан бошлаб, томигача битказиш, кейин пардоздан чиқариш бошқа. Шу ерда ака-укаларнинг қурилиш борасидаги билимлари чала экани билиниб қолди. Қурилиш технологиясини билмаслик панд бериб қўйди. Сарфланган харажат ўзини оқламай қола бошлади.

— Биз қурилишдан эмас, материални ўзимиз тайёрлаганимиз учунгина банкрот бўлмадик. Фойдани ҳам шунинг орқасидан кўрдик, — деб тушунтирди Раҳматжон.

1999 йили Олтиарикда 600 ўринли қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи қурилиши бошланадиган бўлди. Қурилиш ташкилотлари ўртасида очиқ тендер савдоси ўтказилди. Раҳматжон ҳам савдога борди. Бироз қузатди. Кейин ори келди. Ўйладики, мен туғилиб ўсган тумандаги энг муҳташам иморатни нега бошқалар қуради? Шунга бизнинг қурбимиз етмайдими?!

Коллеж қурилишининг смета баҳоси 750 миллион сўмга баҳоланган экан. Раҳматжон ака-укалари билан маслаҳатлашиб, смета қийматидан 35 миллион сўм камига қуриб бериш мажбуриятини олди. Тендер савдоси комиссияси коллеж қурилишини «КМК-001» га топшириш ҳақида қарор чиқарди.

Савдодан чиқиб, Раҳматжон тўғри Олтиариққа, туман ҳокими Нўъмон Омонов қабулига келди. Ҳоким бува у пайтлар Раҳматжонни яхши танимас эди. Совуққина қаршилади. Хусусий корхонанинг тендер савдосини ютиб олганини эшитиб, тутақиб кетди. Бу коллеж республикадаги биринчи коллежлардан бўлиши даркор. Уй безаш билан катта қурилишнинг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Пул топиб, ақл топмаганлардан экансан ва ҳоказо гапларнинг анчасини гапириб ташлади. Раҳматжоннинг ҳам лаби гезарди. Яхшилик қиламан, деган одамнинг йўлини тўсяпти, деб ўйлади. Ори келди. Охирги иштонимни сотиб бўлсаям, қурилишни муддатидан олдин ва юксак сифат билан битираман, деди. Алқисса, бу илк суҳбат икковлари учун ҳам дилхиралик билан тугади.

Кейин Ҳаким ака ҳокимнинг ҳузурига келди. Ётиғи билан тушунтирди. Қурилиш базасини кўрсатди. Хуллас, ҳоким сал оғириниб бўлса-да, рози бўлди. Раҳматжон қурилиш ҳаракатига тушди. Лекин ҳокимнинг гапи юрагига наштардай ботиб турарди. Билардики, ҳоким ҳақ эди.

Фарғонада Ҳамид Абдукаримов деган машҳур қурувчи-муҳандис бор. Касбининг миридан-сиригача биладиган бу киши ўз вақтида Беруний номидаги давлат мукофотига сазовор бўлган, биз ҳикоя қилаётган пайтларда эса пенсияда эди. Раҳматжон бориб шу кишини топди. Айтдики, менга устоз бўлинг. Буюртма топиш, ишчиларни жалб қилиш, қурилиш материаллари билан таъминлаш менинг зиммамда. Технологияни бошқариб бориш сизнинг зиммангизда. Касбингизнинг сирини ҳам ўргатсангиз, йўқ, демайман. Мендан кўп маош оласиз.

Ҳамид ака рози бўлди. Раҳматжон қурилиш битса, битта «Тико» олиб бераман, дея ваъда ҳам берди. Ҳамид ака ҳам ишни соғиниб қолган эканми, ўзини унутиб ишга киришди. Коллежнинг лойиҳачилари билан бир ой ёнма-ён ўтирди. Технологияни соддалаштирди. Ҳисоб-китобнинг, лойиҳанинг пухта бўлишига эришди, токи кейинчалик қурилиш пайти лойиҳа ўзгариб, бузиб қуришга тўғри келмасин. Ишлар қизигандан қизиб кетди.

Шу кунларда Риштон — Фарғона йўлининг ёқасида 900 ўринли янги коллеж қурилиши олиб борилмоқда. Уни давлатга қарашли бошқа бир қурилиш трести қурмоқда. Шуни кўрсатиб, Раҳматжон менга Олтиарикдаги бизнинг коллеж билан бирга бошланган эди, деб тушунтирди.

Бу коллеж қурилиши учун шу маҳалгача икки миллиард сўмдан зиёдроқ маблағ сарфланибди. Ҳолбуки, Олтиарикдаги коллеж қурилиш нахрларининг ошиши ҳисобига борйўғи 850 миллион сўмга бир йилда битказилди. Унда бир йилдан буён ёшлар таълим олаётир. Хусусий қурилиш ташкилотларининг афзаллигини исботлаш учун шунинг ўзи кифоя эмасми?!

Икки ой бурун ишчиларга ойлик тўлаш учун нақд маблағга муҳтож бўлиб қолганда Раҳматжон миниб юрган янги «Нексия» машинасини сотган эди. Бозорга кираверишда шунга кўзи тушди. Уста болалар машинани худди заводдан энди чиққандек таъмирлаб, яна савдога чиқаришган экан. Бу машинани Ҳамид ака ҳам таниди. Раҳматжон шу томон бурилди. У кўп савдолашмади. Уста йигитларга фойда қоладиган шартларда машинасини қайтариб сотиб олди. Бу орада Ҳамид ака ўзига ёққан эскироқ «Жигули» машиналаридан бирини танлаб, Раҳматжоннинг олдига қайтди. Кўрсаки, Раҳматжон эски машинасининг пулини тўламоқда. Шу пайтда Ҳамид аканинг қандай тумшайганини тасаввур қилиш мумкин. Машина олиш учтўрт ойга сурилган чиқар, деб ўйлаган бўлса, ажаб эмас.

Лекин Раҳматжон яраклаган «Нексия»нинг калитини Ҳамид акага тутқазган пайтда у кишининг хаёлидан нималар ўтганини тасаввур қилиш қийин. Кап-катта одамнинг кўзларига ёш келгани шундан далолат беради. Айтдики, Раҳматжон ўғлим, мен етим ўсганман. Кўп қийинчиликлар кўрдим. Энг қўрққаним байрамлар эди. Чунки бошқаларга отаси совға-салом олиб келарди, мен эса бир четда мунғайиб ўтирардим. Ўзимга ўзим соя бўлиб ўсдим, дунёда орттирганим илм бўлди. Озроқ бойлик тўплаш ҳам зарурлигини қариган чоғимда тушундим, нетайки, энди куч-қувватим қолмаган. Кечирган машаққатларимнинг роҳатини худо сендан қайтарди. Бу яхшилигингнинг жавоби энди мендан қайтиши гумон, сенга худодан қайтсин.

— Аслида, мен Ҳамид ака хизматларининг юздан бирини ҳам қайтарганим йўқ, — деб жилмаяди Раҳматжон. — У кишидан ўрганганларим энди менга бир умр йўлдош бўлади. Айрим одамлар ўғлим илм олсин, деб бир неча машинанинг пулини тўлаб фарзандини ўқишга жойлайди. Лекин ўша йигитлар яхши илм ололадими-йўқми, буни худо билади. Қолаверса, Ҳамид аканинг ёрдами билан биз вилоятдаги энг кучли қурилиш ташкилотларидан бири эканимизни исботладик. Энди, табиийки, энг қиммат буюртмалар бизга келади. Шу боис, Ҳамид ака ҳозир бизда ишламаётган бўлса ҳам, устоз қариб қолдилар, ойига йигирма минг сўмдан маош бериб турибмиз.

Мамлакатимизда коллежлар қурилиши билан боғлиқ бир можародан қурувчилар яхши хабардор. Қурилиш қиймати сунъий равишда ошириб юборилмоқда, деган гап-сўзлар ўрмалаб қолгач, прокуратура органлари барча коллежлар қурилишини бирма-бир назоратдан ўтказди. Ўшанда ёш бир прокурор йигит Олтиарикдаги коллеж қурилишини текширишга келди. Беш-олти кун чангга ботиб объектни кўрди, қоғозларни титкилади. Кейин Раҳматжонни ёнига чақириб айтдики, ўн кило бўёқ кам, йигирмата шифер ортиқча чиқаётир. Буни нима деб изоҳлайсиз?

Шунда Раҳматжон чап чўнтагидан бир даста пул чиқарди. Прокурорнинг кўзи ола-кула бўлиб кетди. Қўрқманг, деди Раҳматжон, сизга пора бермоқчи эмасман, фақат, хусусий ташкилотларнинг бир қоидасини тушунтириб қўймоқчиман, холос. Мана шу пул чап чўнтагимда турса ҳам, ўнг чўнтагимда турса ҳам меники. Қайси чўнтагимда туришининг ўғридан бошқа кимга қизиғи бор?!

Давлат менга қурилишнинг смета баҳосини тўлайди, ишлатган материалимнинг сифати лойиҳада кўрсатилганидан паст эмаслигини назорат қилади. Қимматроқ материал олиб ишлатсам, зарар менинг чўнтагимдан кетади. Давлатникидан эмас. Ўша кам харид қилинган ўн кило бўёқни балки мен уйдан олиб келгандирман. Ортиқча йигирмата шиферни балки яна бирон жойга ишлатарман. Мен давлат манфаатларига зарар келтиряпманми-йўқми, сиз шуни аниқланг!

— Ўшанда прокурор йигитни Аҳмаджон укамнинг қўлидаги жимитдай уяли телефон ҳам ҳайратга солган экан, — деб кулади Раҳматжон. — У коллеж қурилишида назоратчи эди. Лекин у мен хўжайинларданман, деб четда қараб турадиганлар хилидан эмас. Эски коржома кийиб, ғишт ҳам тераверади, бўёқ ҳам суради, бузилган техникани жойида таъмирлайди ҳам. Прокурор йигит кўрса, ишлатаётган бир йигитнинг қўлида уяли телефон — ким биландир гаплашмоқда. Ишчисигаки уяли телефон олиб бериб қўйибди, буларда бир гап бўлса керак, деб ўйлаган экан. Тушунтирганимдан кейин ҳайрон бўлганини кўрсангиз. Ҳақиқий хусусий тадбиркор экансиз, омадларингизни берсин, деди кетар чоғида.

3. КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Эркабоевлар ташландиқ ҳолга келиб қолган керамзит цехини сотиб олганини айтиб ўтдим. Шунинг ёнида кейинчалик бетон-қоришма ишлаб чиқарадиган полигон, ғишт заводи, токарлик, фрезерлик, пармалаш ва металлни қайта ишлаш дастгоҳлари ўрнатилган корхонаси — ёғоч тилиш дастгоҳи ўрнатилган дурадгорлик цехи ҳам кенгайтирилди. Бу ерда нафақат нақшинкор эшик-ромлар, устунлар тайёрланмоқда, балки буюртмага мебель тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Ўймакорликка ҳавасманд бўлган ёшларни ўқитадиган мактаб ҳам ишлаб турибди. Айни кунда корхонада гипс тайёрлайдиган, керамзит, пишган ғишт, оҳак, бетон-қоришма, оҳак-қум қоришмаси, ўтга чидамли ғишт ҳамда унинг қоришмалари, оралиқ том ёпгич плиталари, қовурғали том ёпгич плиталари, фундамент блоклари, темир-бетон деворларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ҳолбуки, бу маҳсулотларнинг аксарият қисми илгари Россиядан катта сарф-харажатлар ҳисобига олиб келинар эди.

Бир япон олимининг мақоласини ўқиган эдим. Унинг ёзишича, Япония юз йилдан зиёдроқ ҳарбий кучини ошириш, бошқа ўлкаларни забт этиш хаёли билан яшади. Ярим Осиёни босиб олишга ҳам, қайтариб беришга ҳам улгурди. Лекин ҳозир яхши ўқитилган, дипломат — компьютери бор икки йигит илгари иккита армия удда қилолмаган ишни бажаришга қодир. Бунинг сабаби мамлакатнинг, ниҳоят, ҳарбий салоҳиятни эмас, иқтисодий салоҳиятни оширишга эътибор қилганидир. Дунёни япон армияси эмас, япон сармояси забт этмоқда.

Суҳбатларимиздан бирида шу гапни Раҳматжонга айтдим.

Японлар жуда доно халқ бўлади, ўша олим ҳам рост гапни айтибди, деди у. Кейин суҳбатимиз қўшни давлатларга муносабат масаласига бориб тақалди.

— Водийнинг чор-атрофидаги тоғлар Қирғизистонга қарайди, — деб гап бошлади Раҳматжон. — Бу тоғларда турли қазилма бойликлар жуда сероб. Лекин уларни ишга солишга Қирғизистоннинг ўзи камбағаллик қилмоқда. Бизга эса уларнинг айримлари ўта зарур. Шу маҳалгача оддий оҳактошни ҳам узоқдан ташиб келишга мажбур бўлаётгандик. Ҳолбуки, қўшни Боткен вилояти Қадамжой тумани Алгин қишлоқ кенгаши ҳудудида катта гипс кони бор. Уларнинг ўзига бу кон зарур эмас. Уни ўзлаштиришга кучлари ҳам етмайди. Шу боис ўтган йили Алгин қишлоқ кенгаши билан гипс тошини ўзаро манфаатли шартлар асосида олиш борасида шартнома туздим. Уларга кўмир керак экан. Беш юз тонна кўмир сотиб олиб, етказдим. Йўллари таъмирталаб, бунга маблағ ва техника йўқ экан. Қиш эди, техникамизнинг кўпи бекор турган эди, йўл қуриб бердик. Ўёқдан эса икки минг тонна гипс тоши келтирдик.

4

Ўша ерда қўрғошин кони ҳам бор. Акам қўрғошин олишга жуда қизиқиб қолди. Йигирма тоннача руда келтириб, ундан қўрғошин олиш устида тажрибалар ўтказди. Бунинг учун ўзининг лойиҳаси асосида махсус печ ҳам ясади.

Мен оғирлиги ўн килодан зиёд қўрғошин ёмбисини салмоқлаб кўрдим. Яраклатиб тозаланган, «КМК-001» тамғаси туширилган қўрғошин бўлаги хаёлимни узоқларга олиб қочди. Шундан аккумулятор ясашда фойдаланса ҳам бўладими, деб сўрадим. Бу софлиги юқори бўлган қўрғошин, ундан ҳамма нарса тайёрласа бўлади, деди Раҳматжон. Ишга туширилгани ҳақида бир неча бор оғиз кўпиртириб мақтанилган, кейин сувга чўккан тощдек жимиб кетган аккумулятор цехлари ва заводчаларини эслашдик. Уларнинг ҳаммаси қўрғошин етишмаслиги туфайли тўхтаб қолган эди. Ҳозирда Жиззахда қурилаётган улкан аккумулятор заводи ҳам ишлатилган аккумуляторлардаги қўрғошинни қайта эритиб, кейин ишлатишга мўлжалланган. Албатта, чиқитдан фойдаланиш экология учун фойдали, лекин беминнат манба бўлса, бу соҳа ҳам ривожланиб кетармиди?!

— Қўрғошин олиш технологиясини ҳозирча такомиллаштирганимиз йўқ, — деди Раҳматжон. — Бозорнинг талабини ўрганяпмиз, қирғизлар билан муносабатни янада яхшилаш учун ҳаракат қиляпмиз.

Қўрғошинга ўта қизиқиб қолганимни кўрган Раҳматжон четроқда уюлиб ётган қизғиш тошлар сари бошлади.

— Қўрғошин жуда зарур нарса, — деди у. — Лекин айни кунда қўрғошиндан ҳам заруррроқ нарсалар бор. Мана бу тошлар магнезий рудаси. Ундан ғишт ва махсус упа олиш мумкин. Ўта чидамли ғиштлар ҳақида эшитгансиз. Магнезийли ғишт уларнинг ҳаммасидан сифатлироқ. Чўян пўлат эритадиган печлардан эритмани оладиган улкан чўмич ҳам, қуйиладиган қолиплар ҳам магнезийли ғиштлардан тайёрланади. Цемент ишлаб чиқариш комбинатларига ҳам магнезийли ғишт зарур. Мамлакатимизнинг шу маҳсулотга бўлган йиллик эҳтиёжи 14 миллион АҚШ долларига тенг. Ҳозиргача уни Украина ҳамда Россиядан келтиришади. Акам яқинда магнезий рудасини майдалайдиган тегирмон яратди. Магнезийли ғишт, турли қолиплар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйдик. Тайёр маҳсулотимиз Бекободдаги заводда синовдан яхши ўтди. Сифати хорижникидан ортиқ экани ҳақида сертификатимиз ҳам бор. Катта ҳажмда буюртма олдик.

Ҳаяжонланиб кетдим. Сизлар давлат олдида турган иккита катта вазифани удда қилибсизлар, дедим. Биринчиси, валюта сарфламай, импорт қилиш йўлини топибсиз. Иккинчиси, импорт ўрнини босадиган маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйибсиз. Ҳолбуки, бошқалар шундай маҳсулот тайёрлаш учун албатта давлатдан ёрдам сўрайди, валютада кредит олади. Давлатдан ёрдам олиш ўрнига давлатимизга ёрдам берибсизлар-ку!

Ҳаяжон босилгач, яна ўйландим ва тушундимки, иқтисодий нафни пулга чақиб кўриш мумкин. Лекин қўшни, қондош ва жондош икки халқнинг орасини иқтисодий манфаатдорлик асосида боғлашдан кўра ҳам эзгуроқ иш бормикин?! Эркабоевлар сулоласи муносабат ўрнатган қирғизлар энди Ўзбекистонга бир умрга боғланиб қолмадими?! Манфаатлар муштараклиги бор жойда низо келиб чиқмаслиги тайин-ку! Қани энди бизнинг ҳамма корхоналаримиз қўшнилар билан шундай алоқа боғласа!

Ака-ука Эркабоевлар шу кунларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг янги йўлларини излашмоқда. Хусусан, улар яқинда Қапчғай қишлоғида жойлашган ва анча вақтдан бери ишламай турган темир-бетон буюмлари заводининг назорат пакети — 51 фоиз акциясини сотиб олиш тараддудида. Вилоят мулк қўмитаси билан шу ҳақда шартнома ҳам имзолашди.

— Отам бизга ҳеч қачон дўкон очиб, савдо қилишга рухсат бермаган, — деб ҳикоя қилади Раҳматжон. — Ҳатто, фақат ўзимизнинг цехларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни дўконимизда сотсак, фойдаси кўпроқ бўларди, деган таклифларимизга ҳам рози бўлмаган. Айтардики, савдо пулининг ғози оз бўлади. Енгил пулнинг кетиши осон. Шунинг учун биз ҳар доим сотишга эмас, сотиб олишга қизиққанмиз. Мулк тугал ўзимизники бўлишига интилганмиз. Ҳозир қурилишда ишлатилаётган техникамизнинг барини, ҳатто минорали кранни ҳам сотиб олганмиз. 51 фоизи бизда, 23 фоиз акцияси давлат ихтиёрида, қолганлари бошқа акциядорларда бўлган янгича мулк шаклини бошқаришда қийинчилик бўлмасмикин, деган ҳадигимиз ҳам йўқ эмас. Лекин завод жамоаси назорат пакетини биз олаётганимизни эшитиб, хурсанд бўлганини билгач, бироз кўнглим тинчиди.

Лекин кўнглимдаги ҳадик тугал йўқолгани йўқ. Замон шиддат билан ўзгариб бораётир. Тадбиркорларнинг ишини осонлаштирадиган кўпдан-кўп қонунлар қабул қилинди. Қонунни билмасдан бузиб қўймайлик ёки нотўғри тирғалишмасин, деган мақсадда корхо-

5

намизга бир эмас, иккита юристни ишга олганмиз. Шундай бўлса-да, акциядорлик компаниясида бошқаларни шерик қилиб ишлашдан баъзан чўчийман. Дилимдаги ғашлик устунлик қила бошлаган кезларда эса Президентимизнинг тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш керак, деган гаплари далда бўлади.

Ойига саксон-юз миллион сўмликдан, йилига эса миллиард сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини бажараётган, давлат ғазнасига ойига ўртача 25 миллион сўмдан солиқ тўлаб, халқ фаровонлигига жуда катта ҳисса қўшаётган кишининг бундай содда гапларидан ҳайронлигимни айтдим. Президент сиздай кишиларни бошига кўтармоқда-ку, дедим.

Раҳматжон гапни аввал ҳазилга бурди, олий маълумотим бўлмаса, бор-йўғи техникумни битирган бўлсам, деди. Кейин сал маъюсланиб, жойларда тадбиркорга ёрдам бергувчидан кўра, тўғаноқ бўлувчи кўпроқ-да, деди. Ишлаб чиқариш базасини бошқа жойга кўчирмоқчи бўлган экан. Ҳозирги манзилига электр, сув ва газ қишлоқ оралаб ўтиб келади, шу боис электр ва газ таъминотида тез-тез узилиш бор. Электрни айланма йўл билан олиб келиш қийин эмас-ку, лекин газ қувури тортиш анча қимматга тушади. Бунинг устига янги жойда оҳак, ғишт пишириш, алебастр, магнезийли ғишт тайёрлаш, металлга ишлов бериш цехларини замонавий услубда қайта қуриш мумкин бўларди. Лекин ўша икки гектар ерни олиш ҳозирча мушкул бўлиб турибди.

4. ПУЛ САРФЛАШ УЧУН ТОПИЛАДИ

Олтиариқ туманида болалар юқумли касалликлар шифохонаси бор. Анчадан бери таъмирталаб бўлиб ётган эди. Сувоқлари кўчиб тушган, поллари ўйилиб ётибди. Раҳматжонлар узоқ йили чакка ўтаётган томини ҳам хайрия сифатида бутлаб беришган эди. Лекин ўтган чакканинг изини йўқотиш барибир ҳеч кимнинг эсига келмади. 2000 йил Президентимиз томонидан «Соғлом авлод» йили деб эълон қилинган, Раҳматжон ака-укалар билан маслаҳатлашиб, шу касалхонани таъмирлашни тўла ўз бўйнимизга олайлик, деди. Беш-ўнта қурувчи ажратилди. Зудлик билан таъмирлаш бошланди. Коллеж қурилиши пайтидан ака-укаларга меҳри тушган туман ҳокими Нўъмон Омонов хайриядан ўзларингизга ҳам хайр ёғилсин, деб рағбатини билдирди.

Орадан анча вақт ўтди. Бир кун туман ҳокимлигида ишлайдиган бир таниши устингиздан шикоят тушган, бир кириб ўтасизми, деб қолди. Азза-базза борса, ўша шифохонанинг хўжалик мудири қурувчилар ҳовлини ёритадиган чироқларга патрон қўйиб беришни пайсалга солмоқда, деб ҳокимга шикоят хати ёзган экан. Ҳокимликдагилар шикоятни ҳокимга кўрсатмай қўяқолайлик, Раҳматжоннинг ўзи масалани ҳал қилар, дейишибди.

Раҳматжоннинг бир ғазаби қўзийди, бир кулгиси келади. Шунда чўнтагидан телефонини олиб, касалхонага қўнғироқ қилдики, тайёр турингларми, эртага эрталаб ҳоким бува шифохонага таъмирлаш ишларини кўриш учун боради. Ўзи ҳам саҳар туриб шифохонага борди. Қурувчилар билан гаплашди. Яна нима ишлар қилиш лозимлигини тушунтирди. Бу пайтда шифохонанинг бош врачи қўлида резинка ичак — фаррошлар чангитиб супурган ҳовлига сув сепар, хўжалик мудири эса чет-четдаги бегона ўтларни чопиш билан банд эди.

Ниҳоят, хўжалик мудири юз-қўлининг чангини қоқиб, Раҳматж

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

2001 йил 9, 23 ноябрь кунлари КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Савдога қуйидагилар қўйилади:

«1-сонли Тошкент пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси» акциядорлик жамиятига қарашли, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Бобур кўчасида жойлашган қуйидаги бино ва иншоотлар:

— майдони 68 кв.м. бўлган иншоот (навес № 2), бошланғич нархи — 543 109 сўм;

— майдони 40 кв.м. бўлган иншоот (навес № 3), бошланғич нархи — 328 097 сўм;

— майдони 114 кв.м. бўлган бино (врачебный пункт), бошланғич нархи — 3 090 506 сўм;

— майдони 155 кв.м. бўлган бино (медсанчасть), бошланғич нархи — 6 678 805 сўм;

— майдони 256 кв.м. бўлган омборхона биноси, бошланғич нархи — 5 254 736 сўм;

— майдони 93 кв.м. бўлган бино (бадиий устахона), бошланғич нархи — 2 102 769 сўм;

— майдони 173 кв.м. бўлган бино (медсанчасть), бошланғич нархи — 3 280 998 сўм.

«A.Meredith Jones Co LTD» компаниясига тегишли:

— Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Конституция кўчаси, 56-уйда жойлашган уй-жой, бошланғич нархи — 10 196 349 сўм;

— «Фиат Темпра» русумли, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт, бошланғич нархи — 2 520 000 сўм;

— «Тойота Превия» русумли, 1990 йилда ишлаб чиқарилган микроавтобус, бошланғич нархи — 3 471 000 сўм.

САВДОЛАР 10⁰⁰ ДА БОШЛАНАДИ

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй. Метронинг «Навоий» бекати. Телефонлар: 144-44-72, 144-44-73.

«ҚОР ҚЎЙНИДА ЛОЛАЛАР»

ТАҚДИМОТ

Тошкентлик Хадича Алиева қатағон йилларида собиқ совет қамоқхоналарида ўтказган мудҳиш кунларини хотирлар экан, ҳақиқий ўзбек зиёлиларининг фазилатини очиб берадиган воқеани келтиради. Маълумки, қатағон йилларида зиёлиларимиз қатори уларнинг аёллари, болалари ҳам таҳқирланган, сургун қилинган эди.

— Мени болаларим билан турмага келтиришгач,— ёзади опа, — камерада бир-бирининг пинжига тиқилиб турган кўплаб аёлларни кўрдим. Улар орасида бошқа зиёлилар қатори Чўлпоннинг ҳам аёли бор эди. Хуллас, шундай мудҳиш кунларнинг бирида камерага овқат олиб келган назоратчи Хадича опани сўрайди ва опага махфий равишда бир қўлёзма узатади. Бу қўлёзма шоир Чўлпоннинг опага ва қатағон қурбонига учраган ўзбек аёлларига бағишланган шеъри эди. Ачинарлиси шундаки, бу пайтда ушбу аёллар қаторида ўзининг ҳам хотини борлигидан Чўлпон мутлақо бехабар бўлган.

Шу воқеанинг ўзиёқ совет тузумида ўзлигини таниётган ўзбекларнинг фожиали қисматини очиш билан бирга ўзининг устида юритилаётган қийноқларга, хўрликларга қарамасдан аёлларга ҳурмат, олийжаноблик кўрсата оладиган ўзбек зиёлисининг тимсолини кўрсатади.

Ушбу воқеа «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси томонидан нашрга тайёрланган «Халқ хотираси олдида бош эгамиз» китобидан келтирилди. Яқинда мазкур китобнинг, шунингдек, жамғарма томонидан нашрга тайёрланган қатағонга учраган ўзбек аёллари ҳақида батафсил маълумот берувчи «Қор қўйнида лолалар» китобининг тақдимот маросими Миллий Матбуот марказида бўлиб ўтди. «Қор қўйнида лолалар» китоби Наим Каримов, Шерали Турдиев ва Холида Аҳороваларнинг машаққатли изланишлари эвазига дунёга келган ва беҳуда таҳқирга учраган ўзбек аёллари ҳақида батафсил маълумот берувчи мақолалардан ташкил топган.

Тақдимот маросимида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Ғуломова ушбу китобни, хусусан, «Қор қўйнида лолалар»ни ҳаяжонсиз, оғриқсиз ўқиш мумкин эмаслигини, айниқса, китобнинг номланиши қатағонга учраган ўзбек аёлларининг тақдирини очиб берганини таъкидлади. Шунингдек, тақдимот маросимида ушбу китоб муаллифларига миннатдорчилик билдирилди.

■ **Малик БОБОЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

СПИД БЕШ БАРОБАРГА КЎПАЯДИ

АҚШ Халқаро Ривожланиш Агентлиги (USAID) «XXI аср вабоси» деб ном олган СПИДдан азият чекаётганлар сонини сарҳисоб қилиб чиқди. Агентлик йиққан статистик маълумотларга кўра, бу касаллик аниқлангандан буён 8 миллиондан ортиқ болалар ўз отаси ёки онасидан айрилган. Ҳозирда СПИД билан касалланганлар сони ҳаддан ташқари ортган ва шундай давом этаверса, 2010 йилга бориб касалланганлар сони 40 миллионга етиши мумкин экан.

Кейинги йилларда Африка қитъасида бу касаллик даҳшатли тус олди. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу қитъада СПИД билан касалланган 5,8 миллион аҳолини рўйхатга олган. Шулардан 2,1 миллиони аёллар бўлса, 590 минги болаларни ташкил қилади. 1997 йилга қадар Африка қитъасида бир кунда 16 минг киши вич вирусини юқтираётганлиги қайд этилган.

Умумий ҳисобда Ер юзи аҳолисининг 30 миллиони вич вирусини юқтирганлиги аниқланган ва бу кўрсаткичнинг 90 фоизи ривожланаётган давлатлар ҳиссасига тўғри келади.

СПИД касаллиги тарихига қарайдиган бўлсак, бу офат 1970 йилга қадар 11,7 миллион инсоннинг ҳаётига зомин бўлган.

АҚШ Халқаро Ривожланиш Агентлиги статистик маълумотларида ҳам, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотидаги мавжуд фактларда ҳам Африка қитъасида СПИД касаллиги ҳаддан ташқари ортаётганлигини кўрамиз. Қитъада вирус юқтирган ёш болалар 90 фоизни ташкил қилса, 7,4 фоизи 15 ёшдан 49 ёшгача бўлган кишилар ҳисобига тўғри келади.

Жанубий Осиё мамлакатларида Агентлик етарлича тадқиқот олиб боролмади ва бунга тадқиқотчилар дин билан боғлиқ сабабларни кўрсатишди, аммо тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, бу ерда ҳам СПИД билан касалланганлар сони миллиондан кам эмас.

■ **Хорижий манбалар асосида тайёрланди**

МЎЪЖИЗАЛИ ФИРИБГАР

«Ҳаётий кенгликлар» сектасининг асосчиси Кодзи Такахаси қотилликда ва мурда сақлаганликда айбланиб, 15 йил қамоқ жазосига ҳукм этилди. Полиция у яшаётган

меҳмонхонадан мўмиёланган жасад топган. Тергов аниқлашича, Кодзи шифохонада юрак хасталигидан даволанаётган 66 ёшли беморнинг қариндошларини «мўъжизавий равишда» даволашига ишонтирган ва беморни касалхонадан олиб кетган. Бундай «мўъжизавий муолажа» учун у беморнинг қариндошларидан 67 минг доллар сўраган.

SAS TECHNOLOGY

Пищевые комплексы технологии SAS

РЕВОЛЮЦИЯ в пищевой промышленности

Технологическое оборудование по производству: ДРОЖЖЕЙ, МУКИ, ТЕСТА, РАСТИТЕЛЬНОГО МАСЛА, МАКАРОН, МАРГАРИНА, КОМБИКОРМОВ

Любое технологическое оборудование в области пищевой промышленности по заказу клиента

Проектирование и сдача комплексов "под ключ"
Реконструкция и модернизация действующих производств
Содействие в составлении технико-экономического обоснования

Доказательство успеха: сотни комплексов работающих во многих странах мира

ANA GROUP

Офис в Стамбуле - Тел.: (0212) 249-46-56 (pbx), Факс: (0212) 251-35-28
Офис в Москве - Тел.: (007-095) 941-86-59, Факс: (007-095) 941-86-60
Офис в Ташкенте: ул. А.Темура, 107-б, 5-й этаж, комната А-9 в здании Международного Бизнес Центра
Тел.: (998-71) 101-56-88, 120-79-84, 120-79-85. Факс: (998-71) 120-79-86
Web site: www.sas-tech.com
e-mail: sas@sas-tech.com

INDIA, TURKEY, NETHERLANDS, BULGARIA, RUSSIA, FRANCE, UKRAINA, ALGERIA, ROMANIA, TUNISIA, MEXICO, KAZAKHSTAN, AZERBADJAN, EGYPTE, IRAN, TANZANIA

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!

«TADBIRKOR»

Кўчмас мулк, фонд, товар ва хомашё биржаси

2001 йил 9, 16, 23 ноябрь кунлари кимошди савдоларини ўтказади.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

«Ўзмалойл» қўшма корхонасига қарашли 1993 йилда ишлаб чиқарилган «Джип-Чероки» русумли, давлат рақами 24-95 КФО бўлган техник жиҳатдан носоз автомобиль. **Бошланғич баҳоси — 1 500 000 сўм.**

Ушбу корхонага қарашли «РАФ-2203-01» русумли, давлат рақами 23-05 КФН бўлган микроавтобус. **Бошланғич баҳоси — 600 000 сўм.**



Савдолар 10⁰⁰ да бошланади.

Мурожаат учун манзил:

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй. Метронинг «Навоий» бекати.

Телефон: 144-61-59

«Трансформатор» ОТАЖ огоҳлантиради!

ЧТЗ Эҳтиёт бўлинг: **ҚАЛБАКИ!**

Электр техника маҳсулотлари харидорлари ва «Давтехназорат», «Ўзэнерго», «Ўзгосстандарт» ходимлари диққатига!



Ҳозирги пайтда турли таъмирлаш устахоналарида тижорат ташкилотлари ва фирмаларида ишлатилавериб путурдан кетган трансформатор ва трансформатор кичик станцияларини таъмирлаш ва қайта тиклаш авж олиб кетмоқда. Хонаки усулда тикланган бундай ускуналарга кўп ҳолларда «ЧТЗ», яъни Чирчиқ трансформатор заводи тамғаси туширилиб, санкцияланмаган ёрлиқлар ёпиштириляпти. Бундай маҳсулотлар Ўзбекистон Республикасида, шунингдек, МДҲ мамлакатларида ясама ҳужжатлар билан буюртмачиларга сотилмоқда. Технология мезонларига хилоф равишда тайёрланган ёки таъмирланган электр техника ускуналари тезда ишдан чиқади, ўз-ўзидан «ЧТЗ» маркасининг обрўсига путур етказади.

«Трансформатор» ОТАЖ ҳаммага шуни маълум қиладики, заводнинг республика ва унинг ташқарисида маҳсулотларимизни тайёрлаш, таъмирлаш рухсатномали дилерлари, вакиллари йўқ. Маҳсулотларимизни сотиб олиш юзасидан фақат заводнинг ўзига бевосита мурожаат этишингиз мумкин. Сиз «Трансформатор» ОТАЖда тайёрланган юқори сифатли маҳсулотларни сотиб олишда ишонч қозонишингиз учун «Сотувчи»дан қуйидаги ҳужжатларни талаб қилишингиз шарт:

1. «Трансформатор» ОТАЖ маҳсулоти паспорти асл нусхаси ва техникавий ҳужжатлари тўплами: чизмалар, ПКИ ва бошқалар.

2. «Трансформатор» ОТАЖ муҳри туширилган, нотариус ёки «Ўздавстандарт» идораси тасдиқлаган герб суратли қоғозда тўлдирилган сертификат.

Булардан ташқари текширинг:

1. Заводда тайёрланган маҳсулотни «Трансформатор» ОТАЖ маълумоти билан таққосланг. Чирчиқ шаҳридаги тел.: (371-72) 97-365, 97-569, 97-372.

2. «ЧТЗ» товар ёрлиғи тахтачаси ва завод логотипли тахтачаси (фақат экспорт жўнатмаси учун)

«Трансформатор» ОТАЖ маҳсулотларига, шунингдек, буюртмаларни тайёрлаш ва маҳсулотларни етказиб беришга доир барча масалалар бўйича қуйидаги телефонларга мурожаат қилинг: (371-71) 3-11-39, 97-345, 97-242.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ва Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази 2001 йил 9, 23 ноябрь, 7, 21 декабрь кунлари соат 10⁰⁰да кимошди савдолари ўтказади.

КИМОШДИ САВДОЛАРИДА

қуйидаги манзилларда жойлашган савдо, маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш мажмуаларини қуриш учун мўлжалланган ер майдонларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи сотилади:

т/р	Ер майдони жойлашган манзил ва қуриладиган шаҳобча тури	Ер майдонининг сатҳи	Бошланғич нархи (сўм)
	Юнусобод тумани		
1.	*Ахмад Дониш ва лойиҳадаги Г-36 (Муродов) кўчалари чорраҳасида озиқ-овқат ва ошхона мажмуасини қуриш учун*	0,04 га	2 939 770
	Сирғали тумани		
2.	*Чоштепа кўчаси, 54-разъездда қурилиш моллари дўкони ва халқ эҳтиёжини қондириш дўконлари мажмуасини қуриш учун*	0,09 га	561 970
3.	*Чоштепа кўчасида дорихона, сарта рошхона ва бозорчани таъмирлаш учун*	0,04 га	282 970
	Яккасарой тумани		
4.	*Ҳ.Умаров кўчаси, «Бошлиқ» даҳасида гўзаллик салони ва маиший хизмат мажмуасини қуриш учун*	0,14 га	2 344 570
	Мирзо Улуғбек тумани		
5.	*Қорасув-6 мавзеси, Семашко кўчасида автомобиль ювиш шахобчаси*	0,015 га	602 020
	Сирғали тумани		
6.	*Локомотив кўчаси автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш шахобчаси*	0,04 га	6 059 770
	Чилонзор тумани		
7.	*17-мавзе, 2-уй ёнида автомобиллар ювиш шахобчаси*	0,03 га	740 170

Ер майдонлари бўйича аризалар қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин тўхтатилади.
Савдода юридик ва жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин. Кимошди савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари бўйича барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.
Телефонлар: 133-20-74, 133-46-13.

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy UMER o'gli

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Farg'onada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Ma'murjon QIYOMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini kochirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 2902

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA